

Оролни қутқариш — «Қишлоқ ҳақиқати» оталиғида

УМРИНГ БОҚИЙ БЎЛАДИ, БАҲРИ АЗИМ!

«Қишлоқ ҳақиқати» газетаси КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг Орол денгиз районда экология ва санитария вазиятини тубдан яхшилаш, унинг ҳавасида ер, сув ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш, ажойиб баҳрни қутқаришга қаратилган негизли чора-тадбирларнинг рўёба чиқариш ишларининг боришини ортиқча олган, ўз муштарийларини «Орол яшаш керак!» ширин остида бошланган хайри қаранатга фаол қўшилишга талғиб этган эди. Кувончлини, газетхонлар бу қарорни «лаоабя» деб жаов бердилар. Редакцияга эълонлар келмаётган мунтазир бўлини далоли. Қўйида уларнинг баъзиларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРАЙЛИК

Газетанинг бу ташаббусини қўллаб-қувватлайман. Она-Ватанини юракдан севган, унга жонини фидо қилишга тайёр ҳар бир киши Орол тақдир билан қизиқмасдан турсолмайди. Партия ва ҳукуматимиз бу баҳрни қутқариш юзасидан махсус қарор қабул қилганликлари нур устига эълон нур бўлди. Энди гап мутасадди ташкилотларнинг ташаббусдорлигига, ҳаракатчанлигига боғлиқ. Бу борада қилмаган ишларини изчил олиб бориш, сусткашликка йўл қўймайлиқ, барча куч ва имкониятларини жам этиш лозим. Шундагина қўзланган мақсадга эришамиз.

Шундай экан, асосий нишнмадан бошлаш керак деган савол турғилиш табиий. Ававало Орта Осмё регионининг қон томирлари — дарёлар ва сойлар сувидан фойдаланишни қатъий тартибга солиш лозим. Бунинг учун илимий-тадкикот институтлари, лойиҳалаш-қонструкторлик бюрolari фаолиятини тубдан яхшилаш, суғорма ёрлар ҳолатига қараб оби ҳаётдан фойдаланиш лимитларини шиллаб чиқиш, шу асосда қатъий иш олиб бориш, буғинаро қилмаганларини жазоллаш зарур. Колхоз ва совхозларнинг мутахассисларини ҳам бундай чора-тадбирлар билан белгилашга жамб этиш керак. Режалаштирилган ишлар, белгиланган вазифаларни амалга ошириш билан бевоқифта шулар шуғулланмайдиган, ахири!

Яна бир тақдир: Амударё ва Сирдарё сувини тежаш, ундан самарали, аниқ, мақсадда фойдаланиш, бу борада амалга оширилган тадбирларни назорат этиб бориш учун янгона экология илимий-техникавий маркази очилса керак. Бу мазкур йўналишда қилмаган ишларини мувофиқлаштириш, илимий ва моддий кучларни бирлаштириш имконини берарди.

Я. АХМЕДОВ,
инженер.

ОРЗУ

Орол сатҳи тез суруят билан кичирайиб бораётгани тўғрисида газеталарда мунтазам ёзишмоқда. Ойна жаҳон орқали тез-тез қўрсатилапти. Лекин уни саклаб қолиш, балои офатдан қутқариш юзасидан амалий ишлар қилмаётганимиз! Масаланинг шу томони кишини ташвишга солади. Партия ва ҳукуматимиз мазкур районда экология ва санитария вазиятини яхшилаш, унинг ҳавасида ер, сув ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш ҳақида уларни муҳофаз қилиш юзасидан махсус қарор қабул этилдики, бу ҳар бир кишини ҳечқис қувонтирмади. Мудҳими, унда белгиланган тадбирлар тез амалга оширилиши, қозғола қилиб кетмаслиги керак. Мутасадди ташкилотлардан бу борада ташаббус кўрсатиш талаб қилинади.

Менинг бир орайим бор: Урта Осиёнинг кўпгина районларини оби ҳаёт билан таъминловчи йирик ҳавзалар — Амударё ва Сирдарё ирмоқлари сув олаидан дунё томи — Помир ва Тиёншон қўйиқларидоги абадий музликларини ҳам қўш қорачиқдек саклаш керак. Улардан оқиб чиқадиган сув микдорини қўлайтириш учун қўш

энергиясидан фойдаланса нима бўларкин! Бу тўғрида олимлар, мутахассислар ўз фикрларини билдирадилар, деган умиддаман.

А. ЭСОНОВ,
Самарқанд область Урғут районидоги «Урғут» совхозда ишовчи.

ДЕНГИЗ ҚИСМАТИ — БИЗНИНГ ҚИСМАТИМИЗ

1973 йил июнь ойи. «Турист» поездида тушиб Болтиқбўйи республикаларига савҳатга кетаялдим. Орол станциясига экин-лаётган вақтида бирдан вагонлар деразасидан денгизга кўзимиз тушди. Ҳамроҳларимиздан бири: «Қаранглар, денгиз суви бир неча километрга чекинибди-я, деб қолди. Шу заҳоти Орол ҳақида баҳс, мунозаралар бошланди. Суҳбатдошларимиздан яна бири Ўзбекистонда янги қаналар, сув омборлари ишга туширилатганилиги, улар Сир билан Амуга таъсир қилиб, денгизга оз миқдорда сув келаятиганини айтиди. Бу илғусида Орол тақдирига қандай таъсир қўрсатиши, қандай оғибларга дучор келиши ҳақида баҳс кўзиди.

Ҳа, уша келардики одамлар денгиз қисматига қизиқиб қарай бошлагандилар. Лекин турғулик йилларда матбуотда табиий мувозанат бузилаётганини ҳақида ёзиш амри маҳол эди. Мансабдор шахслар ўз манфаатларини, шон-шарҳларини ундан устуи қўйдилар. Оқибатда аянгли ҳоллар рўй берди. Далалар атрофидоги мевали боғларни унутди. Қўрққоналарни ишдан чиқарди. Амал орқасидан қувиб, ҳосилдор ерларимизни қиммий дорилар билан заҳарладиқ. Хоразм области ерлари заҳаб бораётгани, Қорақалпоғистон АССРдаги водопровод сувлари ҳатто қайнаганда ҳам ичиб бўламайдиган қолагта келганлиги ҳеч қимми ташвишга солмади. Орол денгизини ризиқини қийиб, республикамизда ўнлаб сув омборларини берло қилиш мана шу оқибатларни келтириб чиқарди. Бу эъдиликда нафақат ҚўАССР ёки Хоразмга, балки бизнинг жаннатмақом Фарғона водийамизга ҳам таъсирини қўрсатмоқда. Ҳаво паст келиб, тез-тез ёғингарчилик бўлмоқда. Тоғли районларда сел ҳосил бўлиб, сув тошқинлари офат келтирмоқда.

Бахтимизга қайта қўриш, ошқоралиқ, демократиялаш пайти келди. Бу, шонра Гулҳақ Рауфлаева таъбири билан айтганда, иллатларни доволаш даври. Йўқ, энди Бўғинаро сукут саклаб бўламайди. Урта Осиёдаги миллионлаб аҳолининг тақдирини Орол денгизи билан боғлиқ ахир. Демак, Оролни қутқариш керак. Бунинг иложини борми? Бўлмасамчи! Республикамиздаги ўнлаб сув омборларидо озминача оби ҳаётни янгилаган. Бу — Оролнинг ҳақиқ Ураёнинг сувини Аму ва Сир орқали денгизга оқизиш керак.

Н. ЁҚУБОВ,
Фарғона область Олтиариқ районидоги Ленин номи колхозда ишовчи меҳнат инвалиди.



Ш. ТУРАЕВ ФОТОСИ.

Жиззаз тикув фабрикасида маҳсулот ҳажминини қўлайтириш билан бирга унинг сифатини янада яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Корхонада қўл учнда ишловчиларга қарши турли таъсирчан чоралар қўрилади. Уларнинг разрядлари пайсотирилади, мукофотлардан маҳрум қилинади. Бу тадбирлар ўз самарасини бериб, фабрикада маҳсулот сифати яхшиланади борапти. Техника назорат бўлимининг ходимиси Шаҳло Даминова ўз соҳасини билимдон сифатида таянган.

СУРАТДА: Ш. Даминова.

Ш. ТУРАЕВ ФОТОСИ.

Ю. РАШРАГОВИЧ

ИРИМЧИНИНГ ЖАЗОСИ

Ҳаёвлия

Бизнинг бошлиқ кўрс ва ўтаётган иримчи эди. Айтишларига қараганда, аз кунларнинг бирида шахсий «Запорожец» машинасида келаятигани Юлийи қорамушук кесиб ўтибди. У машинасини шартта тўхтади. Икки соат музлаб таращайди қотибди-ю, аммо кўчадан бошқа машина ўтмагучна жолийдан жилмабди. Мен бошлиқ ҳузурига кўпгина маслаҳат-тақлифлар билан ийрадим-у, бироқ тараузим қўлимдан тушиб қайтиб чиқардим.

— Шунга айтиб қўяйми, мен сиз ҳақиқинида, даҳшатли туш қўйдим.

— Оғзингни юм, гапирма! Мен сенга сўзлашни ман эътаман, эшитдингми? — буюрди Антон Антонич.

Мен бироз динм қолдим. Бошлиқнинг қалағи учиб кетганди.

— Айтмасам-айтмасам, ўзингни билмасан, — дедим мен пинағимни бузмай. Сизга ёмон бўлади. Агар билиб олсангиз машғум тақдирга чал беришингиз мумкин.

— Ундай бўлса айта қол, — бениҳтёр шивирлади у.

— Ҳм... Тўшимда сиз қора кийимли фабрикасининг эни баланд трубаисида ўтирган эмисиниз. Қўлимизда суғурги, мунгли қўшиқ айтасиниз. Наҳотки, ҳўжайиним мўрига учиб чиққан бўлса деб ўйлаб қолдим. Бирдан кучли қамқоқ қариб, даҳшатли момақалларда гўмбурлади ва сиз пастга қулаб кетдингиз... — Тамом! — қўриқиб кетдим мен. — Антон Антонич энди орамизда йўқ. Бўлимизни сардорсиз қолди. Узуи соқоли музикантлар қора кийимли мотам кўйини чалдилар. Воаякко, мўжиза юз берди: сиз ўрингиздан сакраб турдингиз. Олдингиз югуриб келиб, мени қучоқлаб олдингиз.

— Михаил Михаил, — дедим менга, — кечир мени, Мишешка, кўрселими, қўлоғини учун ҳар. Хомакалла, думбул деб қар қоратганим учун кечир. Ҳимм тентаман. Ахир тўғрида шифагини қара-ражаданки зўрга. Урганиб олганман-ку! Сен буюрсанг ҳатто соқолимни юламам, истасан яна мўрига чиқиб олмаман. Ҳўроз бўлиб кичирман. Фақат мени кечир. Шундай дедингиз-да осмонга парвоз қилдингиз. Шу лаҳза қўчиб уйғордим...

— Тўш тафисилининг тинглаб Антон Антоничнинг дами ичига тушиб кетганди.

— Менга қара... Тўшнинг таъбирини айтиб бера олсанми? Ҳўш?

— Буни ўйлаб қўриш керак. Аввал бошча нарсани ҳал этиш даркор. Янкимин хал одамлар билан муомалагини яхшилаб олинг. Бўлмаса яна қора мўрига учиб чиқиб кетиш ҳеч гап эмас.

Шу вўқеадан бери бўлим ходимлари таяжжубда юришди. Бошлиқ одамларга шўтчанлик эътиборли ва мулозим бўлиб қолгани, ҳатто боғча балалари билан «сиз-лаб гапласан.

Фақат мени бошлиқдаги ўзгариш сабабларини биламан-у аммо бу ҳақида ҳеч кимга оғиз очмайман.

Мардон ЁҚУБОВ
таржимаси.

ШИНГИЛ ХАБАРЛАР

ФОРИШ. Район марказида истиқомат этувчи аҳоли фарзандлари қурувчилардан ажойиб совға олдилар. Механизациялашган 64-кўчма колонна бунёдкорлари 280 ўринли боғчани муддетидан олдин фойдаланишга топширишди. Уни берло этишда Олим Дўллеев бошлиқ бригада аъзолари жонбозлик кўрсатдилар.

Ш. ЮСУПОВ.

ЖОМБОЙ. Дехқон-обод қишлоқ Советига қарашли Улугбек номи совхозининг 4-бўлимида 417 ўринли мактаб биноси қўйида ростилади. Илим дарғоҳини тез ва соз битказишда ҳўжаликлари меканизациялашган 167-кўчма колонна аъзолари ибрат кўрсатдилар.

Р. ИНОЯТОВ.

ЯНГИРАЙҚ. «Москва» колхозида меҳнаткўшларнинг турмуш шартини яхшилаш, янги маданый-машиий бинолар қурилишига қатъий эътибор берилмоқда. Ҳўжаликда ўтган турт йил мобайнида қўллаб дала шийонлари, трактор парк, ёки кинотеатр ва бозор бунёд этилди. Яқинда эса янги университет фойдаланишга топширилди. Уни бунёд этишда Ж. Полонков етакчилигидаги бинокорларнинг хизмати катта бўлди.

Б. НАЗАРОВ.

КОСОНСОЙ. Шаҳар матбуот жамаиати Охун-бобоев ва «Ҳуррият» маҳалларида кооператив новобойонлар очди. Аҳмаджон Мамажонов, Умаржон Азизов сингари ўз касбининг устаси сифатли ноллар ёпиб, аҳоли олқисинга сазовор бўлаётдилар.

П. БУХОРОВ.

СОВЕТОБД. Район меҳнаткўшлари яна бир қўлайликдан баҳраманд бўлдилар. Яқинда Нуробод — Тошкент маршрут бўйича автобус қатнов йўлга қўйилди. Унда Янгийиш ва Каттақўрган автобус-текстомотор паркларига қарашли «Икеруслар» қатнамоқда.

А. САТТОРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

В. В. КУЙБИШЕВ НОМИДАГИ ҲУРМАТ
ОРДЕНЛИ САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ
ҲўЖАЛИК ИНСТИТУТИ
1988-1989 ўқув йили учун
СИРЎҚИ БўЛИМГА
Қўйидаги ихтисослар бўйича
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Агрономия, ветеринария, қорақўлчилик ва паррақўлчилик ихтисосларининг ўз ичига олувчи зоотехника, агрономия комплекси соҳаларини бошқариш ва ихтисод қилиш, бухгалтерия ҳисоби, ҳўжалик фаолияти назорати ва аналлиз, қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш.

СИРЎҚИ БўЛИМГА ФАҚАТ ТАНЛАГАН ИХТИСОС СОҲАСИДА ИШЛАЕТГАН ШАХСЛАРНИНГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Арзишлар 1989 йил 5 январига қабул қилинади. Суҳбат 16-31 январь кунлари, кириш имтиҳонлари 1-16 февраль кунлари, студентликка қабул қилиш эса 17-18 февраль кунлари ўтказилади.

Кирувчилар ректор номига ёзилган аризага қўйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асл нусхаси), сўнги иш жойидан характеририка (тансуюнома), 086/У формада медицина справкаси, меҳнат дафтариасидан кўчирма, 3x4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат.

Паспорт ва ҳарбий хизматга оид ҳужжатларни шахсан кўрсатилади.

Қабул комиссияси танланган ихтисос бўйича махсус ўрта маълумотга эта бўлган ва ўз ихтисоси бўйича қамида бир йиллик иш стажига эта бўлган шахсларни суҳбат натижалари бўйича кириш имтиҳонларисиз студентликка қабул қилади.

Қолган ўринларга кирувчилар қўйидаги имтиҳонларини топширадилар: — агрономия, зоотехника ҳақда ветеринария ихтисоси бўйича — химия (ёзма), биология (оғзаки), она тили ва адабиёти (ёзма).

— агрономия комплекси соҳаларини бошқариш ва ихтисод қилиш; бухгалтерия ҳисоби ихтисоси бўйича — математика (ёзма), биология (оғзаки), она тили ва адабиёт (ёзма).

— қишлоқ ҳўжалигини механик ациялаш ихтисоси бўйича математика (ёзма), физика (оғзаки), она тили ва адабиёт (ёзма).

Ўрта мактабини тугатишда олтин (кумуш) медал билан мукофотланганлар, ўрта махсус ўқув юрларини имтиёзли диплом билан тугатган ва ўз ихтисосини бўйича бир йил тўлигига стажига ета бўлмаган шахслар ҳақида ҳўнар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан тугатганлар битта имтиҳон топширадилар:

— агрономия, зоотехника ва ветеринария ихтисоси бўйича — химиядан (ёзма).

— агрономия комплекси соҳаларини бошқариш ва ихтисод қилиш; бухгалтерия ҳисоби ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш ихтисоси бўйича — математика (ёзма).

Агар улар «ёпиш баҳо олсалар қолган имтиҳонлардан овоз қилинади, лекин «ўрт» ёки «уч» баҳо олган тақдирда қолган имтиҳонларини ҳам топширадилар.

Қабул комиссиясининг адреси: Самарқанд шаҳри, 3-олимпиада бўлими, Карл Маркс кўчаси, 77-уй, Телефон: 6-59-79, 4-33-20.

СССР Мелиорация ва сув ҳўжалиги министрлиги
ОҚОЛТИНГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ
1988-89 ўқув йили учун
СИРЎҚИ БўЛИМГА
қўйидаги мутахассисликлар бўйича
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ
20 ДЕКАБРГАЧА ДАВОМ ЭТТИРАДИ:

Қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш, гидромелиорация ишларини механизациялаш, гидромелиорация, саноат ва граждн курилиши.

Қабул қилиш тўғрисидаги ариза техникум директори номига ёзилб, унга қўйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: маълумот тўғрисидаги аттестат (асл нусхаси), 086/У формадаги медицина справкеси, 3x4 см. ҳажмидаги 4 та фотосурат, меҳнат дафтариасидан кўчирма (нусхаси), иш жойидан йўлланма.

Паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади. Кириш имтиҳонлари 21 декабрдан 28 декабргаача ўтказилиб, қўйидаги фанлардан имтиҳон топширилади: математика (оғзаки), она тили ва адабиётдан (ишпо). Ўқиш муддати 2 йил 10 ой.

Қабул қилинганлар умумий тартибда ётоқхона билан таъминланадилар.

Адрес: Сирдарё область, Оқолтин район, Сардоба посёлкиси, Оқолтин гидромелиорация техникуми.

ЭЛЕКТРАН ЭЪТИЁТ БЎЛИНГИ

Айрим гражднларнинг электр иситиш приборларидан пала-партини фойдаланиши оқибатнда носоз электр сым тармоқлари ва электрарматуралар ёғини чиқишига сабаб бўлади.

Электр иситиш приборларини тез алағга оладиган предметлар, шунингдек парда ва дарпардалар, гулқозғ ёпиштирилган деворлар, ёғоч тўсқичлар яқинига қўйилмаган. Айнакча бу хил асбобларни ҳеч қачон балалар ёнида назоратсиз қолдирмаган. Иссиқ дамолдан фойдаланаётганлигида уни фақат сопол ёки исит таглик устига қўйиб ишлатинг. Дамоллашини тугатганингиздан сўнг уни электр манбалардан акратиб қўйишни эсдан чиқарман.

Айнакча электр чойнақларини ўз вақтида ўчириб қўйишни унутманг. Агар унинг иштелишини ўз вақтида ток манбаидан узмасангиз, сув бурганли камаяди, чойнак корпуси даяттиқ қилиб, унга тегиб турган нарсаларни қўйиришни мумкин.

Энг кўп ёғинларнинг келиб чиқишига электр печлар сабаб бўлади. Шу сабабли фақат фабрикада тайёрланган печлардан ёғинга қарши кураш чораларида риоя этган ҳолдагина фойдаланишга рухсат этилади.

ЭЛЕКТР БРИТИГЧ АСВОБЛАРИДАН
ФОЙДАЛанишДА
ҚўЙИДАГИЛАР
ТАҚИҚЛАНИДИ:
— электр симларнинг мик-га илши;
— иссиқ кавипарлашиси ва изоляциясиз симларни улаш;
— электр симлари устидан гулқозғ ёпиштириш;
— электр лампочка абажурларини қозғо ёки чип материаллари билан алмаштириш;
— носоз розетка, вилочатель, патрон ва электр иситиш асбобларидан фойдаланиш;
— электр сым тармоқлари ва вилочателларга кийим-кечаларни оёшиш;
— электр сым тармоқлари ва радио-приёмникларни назоратсиз қолдириш.

Ўзбекистон республика
қўнғилди ўт ўчириш жа-
маиети.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ
БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТ-
ЛИГИ (телефон 45-37-24).

СССР ОЛИЙ СУДИДА ТОМОНЛАРНИНГ МУНОЗАРАЛАРИ БОШЛАНДИ

Ички ишлар министрлигининг алоҳида катта миқдорда порахўрликда ва хизмат мавқеидан гаразли мақсадларда фойдаланишда айбланган собиқ маъсўл ҳодимларига нисбатан жинийи иш юзасидан 12—13 декабрда СССР Олий судида томонларнинг мунозаралари бўлиб ўтди. Ишни СССР Олий судининг ҳарбий коллегияси СССР Олий Судининг аъзо-син, ҳарбий коллегия раисини генерал-майори М. А. Маров раислигида қўриб қилмоқда.

Давлат айбловчиси, СССР бош прокурорининг ёрдамчиси А. В. Свобев биринчи бўлиб сўзга чиқди.

Давлат айбловчиси тахдид қилиш асосида давлат айбловчиси иш тафсилотларини тасвирлади, қўйилган айб ишотланганлиги ва судланувчиларнинг айбдорлик даражаси тўғрисидаги ўз ҳудудларини баён этиб берди, улардан ҳар бирининг ролини алоҳида-алоҳида ёритди, уларнинг жинийи қаранатларига сиёсий, маънавий-ахлоқий ва юридик жиҳатдан баҳо берди ҳамда жазолаш тўғрисидаги ўз тақлифларини суд муҳокамасига ҳавола этди.

Ёслобтб ўтмаиз; судланувчилар курсидада СССР ички ишлар министрлигини собиқ биринчи ўринбосари Чурбанов, Ўзбекистон ССРнинг собиқ ички ишлар министри Яхвев, Ўзбекистон ССР ички ишлар министрлигини собиқ ўринбосарлари Қаҳрамонов ва Бегельман, Хоразм область ички ишлар министри Яхвев, Ўзбекистон ССР ички ишлар министрлигини собиқ ўринбосарлари Қаҳрамонов ва Бегельман, Хоразм область ички ишлар министрлигини собиқ ўринбосари Собиоров, Тошкент область ички ишлар министри Яхвев, Ўзбекистон ССР ички ишлар министрлигини собиқ ўринбосари Жамолнов, Қашқадарь область ички ишлар министри Яхвев, Хоразм область ички ишлар министрлигини собиқ ўринбосари Чурбанов, 680 минг сўм

В. ИТКИН,
ТАСС махсус ўқиб.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» — «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Маъсўл секретари — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-22. Совет курилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржиме бўлими — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.